

хр

Ошла Ва

Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.

Ислом КАРИМОВ

Жамият

15 (1116)-сон 17 апрель 2013 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ХАТАРЛИ ХАСТАЛИК

3



Ҳилол НАСИМОВ:
УМР ДЕГАНЛАРИ
ОҚАР СУВ ЭКАН

4

ҚУВОНЧ ФАРИШТАСИ

5



МУХЛИС КИМ?

Сиз, мен, оилам ва бошқалар-да!

8

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Назира БОЙМУРОВО
сурат-лавҳаси.

Бешигингда Алпомишлар улғайсин элим!

МИЛЛИЙЛИК МЕЗОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-КИЗЛАР ҚҰМИТАСИДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ёшлар, хусусан, қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатаётган ёт гояларга қарши курашишга бағишланган мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маърифий тадбирда таъкидланганидек, ёш авлодни жаҳон ахборот майдонида тобора кенгроқ тарғиб этилаётган «оммавий маданият» унсурлари, турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш бутунги куннинг долзарб талабидир. Бу каби вазифаларни амалга оширишда санъат,

айниқса, эстрада ва кино беқиёс аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам сахнада, катта экранларда янграётган ва намойиш этилаётган фильмлар, кўшиқлару клипларнинг мавзуси, маъно-мазмунига жиддий эътибор қаратилиши муҳим масаладир.

Тадбирда тегишли вазирликлар мутасаддилари, маҳаллалар ҳамда ёшлар ташкилотларининг вакиллари, таниқли санъаткорлар иштирок этишди.

Эътиборли жиҳати, ёшлар, айнқса, қизларнинг экран орқали намойиш эти-

лаётган айрим қаҳрамонларга тақдир қилини, эргашиши, улардек бўлишга интилишини инobatта олиб, ижро этилаётган кўшиқлар, тасвирга олинаётган клип, сериал ва кино ҳамда кўрсатувларда миллий анъаналар ҳамда маънавий мезонларга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

ҲИКМАТ

Ҳисобсиз мол йиққан билан одам сахий бўлмайди.

Кўрукот ота

Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Осиё рамзи" Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида "Болажонлар – ширинтойлар" анъанавий болалар мода фестивали бўлиб ўтди.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур мода фестивали таниқли ўзбек дизайнерлари билан бир қаторда ижод дунёсига эндигина кириб келаётган расом, модельер ва моҳир чеварларнинг ижод намуналарини ҳам намойиш этишлари учун имконият эшикларини очмоқда.

Фестивалга тақдим этилган кўплаб ижодий ишлар малакали мутахассислар томонидан сараланиб, либослари энг яхши деб топилган 40 нафар модельер ва дизайнернинг тўпламлари асосида 36 та тўплам яратилди. Либосларни Фонд Форумнинг "Эски шаҳар" болалар ижодиёти маркази тарбияланувчилари, "Баркамол авлод" болалар маркази, "Колибри" арт бюроси, "Paradise" мода мактаблари, "Ўзбекенгилсаноат" ДАК қошидаги "Шарқ либослари" дизайн-мактаби ёш талабалари бўлган 2,5 дан 14 ёшгача бўлган 227 нафар жажжи моделлар намойиш этишди.

Фестивалда «School style» — мактаб либослари, «Street style» — кундалик, «Кичик хоним» — байрамона, «Хаёлпарастлар» — авангард йўналишдаги, «Шарқона унсурлар» — ўзбек миллий либослари элементлари билан, «Hand made» — қўл меҳнати асосида, «Сехр-

ли мўйқалам» — "батик" техникаси ёрдамида гул босилган, "Casual" — замонавий, қўлай ва ичмам услублардаги болалар либослари намойиш қилинди.

— "Болажонлар ширинтойлар" фестивалида илк мартаба иштирок этишим, — дейди Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг 3 босқич талабаси Феруза Нурмухамедова. — Ло-

БОЛАЛАР ЛИБОСЛАРИ НАМОЙИШИ

й и х а г а ўзимнинг "Ёз бўёқлари" деб номланган тўпламинини тақдим этдим. Унда 14 та либос бўлиб 12 таси қизлар, 2 таси эса ўғил болалар учун мўлжалланган. Мен ушбу либосларни яратишдан олдин болажонлар билан суҳбатлашдим, кичкинтойларнинг фикрлари, бадийий-эстетик дидларини ўргандим. Шунда билдимки, уларнинг аксарияти эртақ қахрамонларига, шаҳзода ва маликаларга ўхшашни исташар экан.



Фестиваль

Миттвойларнинг беғубор орзуларини амалга ошириш мақсадида шифон матосига турли ранг бўёқлари орқали тасвирлар тушириб, унда ёзги ранглар жиловини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим.

"Болажонлар-ширинтойлар 2013" мода фестивали ҳакамлари — Дом стилия" ва "Kanishka" дизайнерлари Алексей Маньшаев ва Зулфия Султонбоева, «Jannat-Makop» журнали бош муҳаррири Ирода Дадажоновна, "Ўзбекистон ипаги" пиллачилар ва ипак ишлаб чиқарувчилари уюшмаси ижрочи директори Баҳром Мирзаев ҳамда тўқимачилик корхоналари вакиллари ва бошқа мутахассислар либосларни баҳолашда кичкинтойлар учун маҳаллий хомашё асосида кулай, бежирим, экология ва санитария талабларига жавоб берадиган кийим-кечакаларга алоҳида этибор қаратишди.

Икки кун мобайнида бўлиб ўтган либослар намойиши сўнггида "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлари уюшмаси Мувофиқлаштириш кенгаши раиси Гулнора Каримова тўплами энг яхши деб топилган дизайнер ва модельерларни ва фестивалнинг жажжи иштирокчиларини диплом ва совғалар билан тақдирлади.

Барно МИРОДИЛ қизи,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Жараён

"BANKEXPO - 2013":

МИЛЛИЙ КЎРГАЗМА БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технология масалалари бўйича ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмиталарининг расмий кўмагида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "BANKEXPO — 2013" банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари олтинчи анъанавий миллий кўргазмаси ўтказилди.

Икки кун давом этган мазкур кўргазма банклар, молия ташкилотлари, сугурта компаниялари, электрон банкинг, мобил ва пул ўтказмалари тизимлари, видеокузатув ҳамда хавфсизликни таъминлаш масалаларига бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон ва МДҲ давлатларининг етакчи банк, молия ва инвестиция компаниялари ўзларининг банк молия соҳасидаги энг замонавий технологиялар ва хизматларини намойиш этишди. Шунингдек, кўргазмага ташриф буюрувчилар банк ва молия муассасалари учун ахборот технологиялари, пластик карточкалар дизайни ва уларни ишлаб чиқиш, ишлаш учун мўлжалланган дастурий аппаратли воситалар ва бошқа бўлимлар билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдилар.

— Биз "BANKEXPO" кўргазмасида мунтазам равишда иштирок этиб келамиз, — дейди "Ҳамкорбанк" маркетинг сектори бошлиғи Ҳикматулла Алихонов. — Ушбу тадбирда миқдорларимиз билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларга веб-сайтларимиз орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар ҳамда банк ва миқдорлар ўртасидаги кулайликлар, имкониятлар хусусида ўзаро мулоқотлар олиб борамиз.

Кўргазма доирасида Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари бўйича ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмиталарининг давра суҳбатлари билан бир қаторда тижорат банклари ва IT-ташкilotлари томонидан маърифий тренинглар ҳам ўтказилди.

Ўз муҳбиримиз.

БИТИРУВЧИЛАР БАҲСИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 215-умумтаълим мактабида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар ҳисоботи сифатида ўзаро беллашув ўтказилди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз миқёсида иқтидорли ўқувчиларга энг аввало, пухта билим бериш билан бир қаторда касб-хунар сир-асрорларини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан кейиб чиққан ҳолда, бизнинг таълим даргоҳимизда ҳам битирувчиларни тўғри касб танлашга йўналтириш бўйича амалдаги қоидаларга мувофиқ равишда турли кўринишдаги баҳс-беллашувларни уюштириш анъанага айланган. Бу гал мавжуд учта 9-синф ўқувчилари "хизматчилар" йўналиши (чилангар, сантехник, сартор, ошпазлик, меҳмонхона ходими ва х.) бўйича ўз билим ва малакаларини синовдан ўтказишди.

Қизқарқин ва ўзига хос руҳда кечган беллашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Гулнора МАМАЖОНОВА,
Ҳамза туманидаги 215-умумтаълим
мактаби директор ўринбосари.

ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан, техника ривожининг шиддатли тус олганлиги ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди. Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқроқ муносабатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида миллатлараро миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши учун имкониятлар янада кенгайди. Аммо минг афсуски, кейинги йилларда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда трансмилий жиноятларнинг ортиши ҳам кузатилмоқда. Одам савдоси ҳам шундай жиноятлар сирасига кириди.

Бу мудҳиш ҳолат инсон шайни, қадр-қиммати, осойишта турмушига таҳдид солади. Қолаверса, бу жиноят домига кўпроқ аёллар ва ёшларнинг билиб-билмай тушиб қолаётгани ачинарлидир. Айрим нафсига қул кимсалар одамларни хорига ишлаш, дам олиш ёки бошқа баҳоналар билан ноқонуний равишда олиб кетиб, уларни қул қилиб сотиши, эркини чеклаш орқали турли мақсадларда фойдаланиши, ҳатто тана аъзоларини кўчириб олиш мақсадида сотиб юбараётганликлари, энг ачинарлиси, чет эл фуқаролари билан ҳамкорликда ўз ҳамюртларимиз ҳам ана шундай қабих жиноятга шерик бўлаётганлиги ўта таъвишлидир.

Бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш, тартибга солиш мақсадида мамлакатимизда ҳуқуқий асослар яратилганлиги эътиборга моликдир. Жумладан, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу

жиноятга қарши курашиш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Президентимиз томонидан «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ҳам қабул қилинди. Унда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни химоя қилиш бўйича иختисослаштирилган муассасаларни ташкил қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланган, бундай муассасалар ушбу жиноятдан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда.

Ҳа, чет давлатлардаги таниш-билишлар, қариндош, қўшилар томонидан тақлиф этилган юқори маошли ишларга дарҳол ишониш керак эмас. Сабаби, аксарият алданиб қолган кишиларнинг сўзларига қараганда, уларни айнан танишлари чет элга ишлашга тақлиф этишган, кейинчалик эса қулликка сотиб юборганлиги маълум бўлаётди. Алданиб қолмаслик ёхуд одам савдоси қурбони бўлмасликнинг оддий йўллари кўп. Улардан бири ишлашга тақлиф этаётган айрим фирма ёки корхоналарнинг ишчи кучини олиб кириш ва олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи лицензиялари бор-йўқлигини билиб, шундан кейингина уларга расмий равишда мурожаат этиш лозим. Шартнома асосида ишламоқчи бўлсангиз, шартнома сизга тушунарли тилда ёзилган бўлиши керак. Қариндошлар ва ақилларга чет элга кетишдан олдин паспорт, шартнома, виза ва бошқа ҳужжатлардан албатта нусха қолдириш шарт. Яна бир муҳим шартлардан бири, бу хорийжий давлатга чиққанда фуқароларнинг тасдиқловчи ҳужжат — паспортни ҳеч кимга бермаслик керак.

Огоҳлик ва ҳушёрлик ҳар бир инсоннинг ҳаёт, яшаш қонунига айлансагина, ҳақ-ҳуқуқларимиз бузилмайди.

Манзура САЙДУЛЛАЕВА,
Пайриқ туман 2-сон ФКДБ бўлими мудир.

"ОСИЁ"НИНГ ДОВРУҒИ ОШАЁТИР

Техника асрнинг имкониятлари чексиз. Бугунги кунимиз эса бевосита техника билан боғлиқлик касб этмоқда. Янги асрнинг ёшлари эса интеллектуал салоҳият, билимли бўлиб камол топмоқда. Улар ҳар қандай тезкор маълумотдан интернет орқали хабардор бўлишга интиладилар. Табиийки, компьютер технологиясининг ривожланиши соҳа мутахассисларига ҳам эҳтиёжни оширмоқда. Марғилонлик Бахтиёр Алиев истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ шаҳарда ана шундай мутахассислар тайёрлаш мактабини яратишга бел боғлаган эди.

Бахтиёр ака компьютер техникаси, уни бошқариш ва соғлаш хизматларини пухта ўзлаштиргандан сўнг, унинг фаолиятига қизиқувчи ёшларнинг сафи кенгайди. 2009 йилда Ипакчилар шаҳарчасида "Осиё" компьютер ўқув марказига асос солинди. Шундан буён ўқув марказида таҳсил олиш истагини билдирган йигит ва қизлар бу ерга тез-тез мурожаат қила бошладилар.

— Биласизми, бугунги кунда компьютер операторига талаб юқори. Ташкилотларнинг кўпчилигида ана шундай мутахассислар етишмайди. Ўқув марказимизнинг асосий мақсади ҳам ёшларни ана шу соҳада тажрибали, пухта

билим эгаси этиб тарбиялашдир. Албатта, уларни ўқитишга билимли, салоҳиятли, давлат тест маркази синовларидан муваффақиятли ўтган таълим усталарини жалб этганмиз, — дейди марказ раҳбари Бахтиёр Алиев.

Ҳозир ўқув марказида компьютер оператори, технологияси, сервис, бухгалтерияси, дизайни, давлат тилида иш юритиш сингари йўналишлар бўйича ўндан ортик мутахассислар тайёрланмоқда. Яқинда ўқув курслари қаторига инглиз ва рус тили йўналишларининг қўшилгани ўқишга иштиёқманд ёшлар учун айни муддао бўлди. Икки ойлик ўқув курсларини ўтаган кадрлар имтиҳон синовларидан сўнг сертификатларга эга бўладилар. Бу эса уларнинг ўз касбий фаолиятларини бошлашларига кўмаклашмоқда. Эндиликда марказда қўшни туман ва шаҳарлардан қатнаб ўқийдиганлар қаторида Андижон ва Наманган вилоятдан келган ёшлар ҳам бисёр. Бу эса "Осиё" ўқув маркази қисқа вақт ичида кенг қамровли таълим масканига айланиб улгурганлигининг яққол далилидир.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Марғилон академик лицейи ўқувчиси,
Фаргона вилояти.

Имконият

Кейинги йилларда дунё миқёсида аёллар ўртасида кўкрак бези саратонининг кўпайиб бораётгани оғрикли муаммога айланмоқда. Мамлакатимизда "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратонига қарши курашиш миллий уюшмаси ушбу хасталик ва унинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Барчамизга маълумки, шу кунларда Фонд Форум, "Аёллар кенгаши" РЖБ, "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси томонидан республикамиз бўйлаб "Ҳаёт учун!" хайрия форум маррафони давом этмоқда. Ушбу тадбирдан тушган маблағ мамлакатимизда кўкрак бези саратонига қарши курашиш ва бу борадаги долзарб муаммоларни бартараф этиш, хусусан, барча ҳудудлардаги аёлларни тиббий текширувдан ўтказиш, мазкур касалликни эрта аниқлаш ҳамда дори-дармонлар харид қилишга сарфланади. Жойларда бепул маммография ва онкологик текширувлар, УТТ-диагностика ўтказилиб, зарур дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу хасталик борасида кенгроқ маълумот олиш учун "Salus Vita" тиббий соғломлаштириш маркази маммологи, олий тоифали шифокор Севара Муфти-Зодани сўхбатга чорлади.

— **Севара опа, энг аввало, ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари хусусида тўхталиб ўтсангиз. Аёллар ўзларида мазкур дарднинг ривожланаётганини қандай сезишлари мумкин?**

— Кўкрак бези саратонининг келиб чиқишига айнан бир омилни сабаб қилиб айтиб бўлмайди. Лекин бу хасталикдан аёлларни ҳимоя қилиш, унинг олдини олиш имкониятлари мавжуд. Маълумки, саратон йиллар давомида организмда оғриқсиз, белгисиз ривожланиб боради. Кўпчилик аёллар ўзларида бу касаллик мавжудлигини ҳатто пайқамайдилар ҳам. Шунинг учун уларга бир йилда икки мартаба шифокор маммолог назоратидан ўтишни маслаҳат берамиз. Бундай текширувлар саломатликнинг гарови ҳисобланади. **Маммография** — кўкрак саратонини илк босқичларида ташхисловчи юқори таъсирчан махсус текширув усулидир. Кўкракда саратоннинг илк ўсмаси пайдо бўлганидан уни қўл билан сезиш мумкин бўлгунча 3 йилдан 8 йилгача вақт ўтиши мумкин. Бу текширув орқали ўлчам 5 микрокальцинатга тенг ўсмавларни кўриш имкони бор. Айниқса 40 ёшдан ошган аёллар мунтазам равишда маммография текширувидан

ХАТАРЛИ ХАСТАЛИК

ёхуд яна кўкрак бези саратони хусусида

ўтиб туришлари шарт!

— **Айтинг-чи, бир аёлда кўкрак бези саратони аниқланган бўлса, унинг қариндошларида ҳам бу касаллик келиб чиқиши мумкинми?**

— Кўкрак бези саратонига ирсиятнинг ҳам маълум даражада таъсири бўлиши мумкин. Аммо бу касалликка чалинган 80 фоиз аёлларнинг қариндошларида ушбу хасталик мавжуд эмаслиги маълум. Хасталик эрта аниқланганда уни даволаш 95 фоизга кафолатланади. Аммо аксарият аёллар маммолог шифокорга анча кеч, касаллик авж олиб бўлганидан кейингина мурожаат этишади.

— **Кўкракдаги зичлашиш ёки пайдо бўладиган тугунчалар саратоннинг аломатими?**

— Кўкракдаги ишшларнинг 80 фоизидан ортиги саратоннинг белгиси ҳисобланмайди. Тугунчалар пайдо бўлишининг айрим сабаблари бор. Лекин шикастланишлар кўкракдаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин ва улар без ёки ишшлар шаклида намоён бўлади. Аслида кўкрак аёл организмда энг нозик аъзолардан биридир. Тор ички кийимларни кийиш натижасида кўкракдаги микроциркуляция бузилади ва турли ўсмавлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ана шундай ҳолларда албатта маммологга мурожаат этиш лозим.

— **Ёш ўтиши кўкрак бези саратонига учраш хавфини оширади деган қарашлар тўғрими?**

— Эътибор берайлик, бундан бир неча йиллар аввал бу хасталик 50–60 ёшлардаги аёллардагина аниқланарди. Минг афсуски, ҳозирда баъзан 35–40 ёшлардагиларда ҳам учраб турибди. Лекин аксарият ҳолларда кўкрак бези саратони менопауза яъни климакс бошланиши давридаги аёлларда аниқланади. Бундан ташқари ортиқча вазн, кам ҳаракатлилиқ, ҳайз кўришнинг 12 ёшдан аввал бошланиши, кеч бола кўриш (30 ёшдан сўнг) ёки ҳомиладорликнинг бўлмаслиги, болани кўкрак билан эмизмаслик, климакс даврида гормонал дорилар истеъмол қилиш ҳолатлари ҳам аёлларда саратонга чалиниш хавфини кучайтиради.

— **Ёлғиз аёлларда кўкрак бези саратонига чалиниш хавфи кучлироқ, деган гап-сўзларга қандай қарайсиз?**

— Бу мутлақо нотўғри фикр. Саратон пайдо бўлиш ё бўлмаслигига ёлғизликнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

— **Тиббиётда қон орқали аёлда генетик саратонга чалинишга мойилликни аниқлаш мумкин бўлган таҳлил топилибди.**



— Бугунги кунда кўкрак бези саратонини ривожлантирувчи генларни аниқлаш имкони катта. Булар BRCA 1 ва BRCA 2 генетик текширув бўлиб, унда аёлнинг авлодида кўкрак бези саратони билан касалланганлар бўлган ёки бўлмаганлигини ҳамда унинг қонида бу касалликка мойиллик бор ё йўқлигини аниқлаш мумкин. Аммо бу таҳлиллар аёлда кўкрак бези саратони аниқ учрайдиган деярли бўлмайди. Чунки бу саратонни эмас, генни ташхислашдир.

— **Кўкрак қисми очик-сочик кийим-кечакларни кийиш натижасида офтоб нурлари аёлнинг сийна қисмини зарарлантириши ёки шу нурланиш ҳам саратонга сабаб бўлиши мумкинми?**

— Йўқ, бу нисбатан нотўғри. Бироқ, аёл организмнинг кўкрак қисми тез таъсирланадиган, осон шикастланадиган аъзо бўлганлиги учун ҳам офтобда очик юришда меъёрга таяниш муҳимроқ. Сабаби, офтобдан, айниқса кундузги соат 10.00 дан 12.00 гача тараладиган ультрабинафша нурлари танага худди лазер нурларидек таъсир кўрсатади.

«Ҳаёт учун!»

АЁЛЛАРГА АЙРИМ МАСЛАҲАТЛАР:

Энг муҳими, ҳар бир аёл саломатлигини ўзи назорат қилиб бориши зарур. Агарда сут безлари териси ёки тўқимасида тугунли тўлишишни, кўкрак ва сўргичлар, ареолларда яраларни, сут безларининг ҳар-ҳар жойида тўлиқ шиш ҳосил бўлиши, сўргичлардан қонли ёки сарғиш ажралмалар келса, кўкрак териси қизарса, кўкрак бези шакли ўзгарса, сут безларида ўзаро ассиметрия (яъни бири иккинчисидан катталашгани) сезилса, аёллар зудлик билан маммолог шифокорга мурожаат этишлари шарт.

Касаллик қанча эрта аниқланса, уни даволаш натижалари ҳам шунчалик самарали бўлади. Агар ўсма кичик ўлчамда ва сут бези тўқимаси ичида чегараланган бўлса, давондан сўнгги беш йиллик яшаш кўрсаткичи 98 фоизни ташкил қилади. Аксинча, ўсма ҳажми катта бўлса ва сут бези тўқимасида ёки ҳатто кўшии аъзоларга ҳам тарқалган бўлса, ўшбу кўрсаткич кескин камайиб кетади.

Тўғри овқатланиш режимига амал қилиб ҳам хасталикнинг олдини олиш мумкин. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, турли сабзавот ва меваларда саратонга қарши ҳимоя моддалари (протекторлар) борлиги аниқланган. Овқатда ёғ микдори, айниқса, чорва ҳамда кўйроқ ёғларини камайитириш лозим. Улар ўрнига ўсимлик, балиқ ёғи ва турли ёнғоқлар саломатлик учун фойдали таъсир кўрсатади. Спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, меъёрий вазн ва доимий жисмоний фаоллик кўкрак бези саратонига чалиниш хавфини 33 фоиздан 50 фоизгача камайитиради.

Кўпчилик аёллар тиббий текширувларга берафқ қарашади. Аммо ҳар олти ойда бир марта маммолог шифокор назоратида бўлган аёл ўз саломатлигини кафолатлайди. Чунки ушбу хасталик эрта аниқланганда 95 фоиз беморлар бутунлай соғайиб кетишади.

Шундай экан, аёлларда кўкрак бези саратонининг олдини олиш, уни берафқ аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш, профилактик чораларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Олиманг тинчлиги ва хотиржамлигини, болаларнинг келажакини тўла қафолатлаш учун биринчи навбатда аёл яъни она соғлом бўлиши керак.

"Оила ва жамият" мухбири
Барно МИРЗААХМЕДОВА
сўхбатлашди.

"SOS Болалар маҳалла-лар" уюшмаси томонидан бир қатор кенг қамровли пойиҳалар амалга оширилган. Биз бугун пойтахтимизда "Оила ва жамият" уюшмаси томонидан амалга оширилган савобли амаллардан бири хусусида ҳикоя қиламиз.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Яланғоч" маҳалласида яшаётган Гулнора Турсунова ҳикояси:

— Турмушга чиққач, кетма-кет уч нафар фарзанд кўрдим. Ўзим олий маълумотли иқтисодчи бўлсам-да, ёш болаларим билан ишлашга имкониятим йўқ эди, — тикувчиликдан яхши хабардорлигим боис, уйга бюртурмалар олардим. Турмуш ўртоғим жуда яхши инсон эди. Ҳатто бировага қаттиқ гапирганини эшитмаганман. Спиртли ичимликлар ичмасди. Фақат катта бир ишни бошлайман деб, ҳарз олган, вақтида қайтара олмади. Олган қарзлари эса кундан кун кўпайиб, ўжаним оиламизга ҳамуман



ёрдам бера олмай қолди. Эшигимизга ҳар кун одамлар пулини сўраб келаверишарди. Бундан икки йилча олдин яна хомиладор бўлдим. Эрим қорнимдаги боламга ҳам ачинмай, қарзларимни узаман деб хоррига ишлаш учун кетиб қолди. Лекин ҳалигача дарағи йўқ. Уша пайтлардаги ҳолатимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Шу қадар тушунлиққа тушган эдимки, ўзимни руҳан бошқара олмадим. Тиқиб-бичиб ишларимни ҳам йиғиштириб қўйдим. Жиз-

заки, асабий бўлиб қолдим. Болаларим мендан кўрқгани боисми, кўзларимга жавдираб қараб туришарди. Ҳатто, қорнимдаги хомиламини ҳам олдимроқчи бўлганман. Яхшиямки, анча катта бўлиб қолгани учун бу қорнимдан қайтдим.

Уша пайтлари "SOS Болалар маҳаллалари" уюшмаси ходимлари туманимиздаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни ўрганиб юришган экан. Бизнинг оиламиз ҳақида эшитиб, мени ҳам излаб уйга келишди. Турмушим билан танишиб, уюшманинг тренинг маршулотларида қатнашимни сўрашди. Аввалига бу дарслар менга ёрдам беришига умуман ишонмадим. Дастлаб зўрма-зўраки бордим. Биринчи тренинг "Болалар билан ўзаро мулоқот" деб номланганди. Ишонмайсиз, ўша кунги биринчи

дарсданок менга ёруғ йўл кўринди, ҳаётим тубдан ўзгара бошлади. Қорнимдаги норасида гўдагимга ҳам меҳр уйғонди. Ҳатто у билан гаплаша бошладим. Шундан сўнг бирорта дарсларни қолдирмадим. Болаларимни ҳам ўзим билан олиб келардим. Уларга ҳам бошқа хонада дарс ўтишарди. Мактабда дарсларини яхши ўзлаштиролмай юрган болаларим бу ерда рус, инглиз тилларини ҳам мукамал ўргана бошладим. Ҳозир қизларим инглиз тили, ўғлим каратэ тўғрақларига қатнапти. Биз аёлларга эса турли хунар сирларини ҳам ўргатишди. Ўрганганларим асосида ошхона тахтакачларига, гул тувакларга чиройли безаклар бера бошладим. Шу йил март ойида "Bazar art" кўргазмасида ўз маҳсулотларим билан қатнашиб, яхшигина фойда кўрдим. Бошқа иштирокчиларнинг ишларини томоша қилган, янги гоёлар туғилди. Энди буларни келажакда тажрибама қўлламоқчиман.

Ёнимиздаги одамлар

Уюшма томонидан рўзғоримизга озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди. Болаларимни ўқув йили бошида керакли барча ўқув қуроллари билан таъминладим. Айниқса байрамларда фарзандларимга аjoyиб совғалар бериб, жуда хурсанд қилишди. Бунинг учун улардан бир умр миннатдорман. Йиғиштириб қўйган тикув машинами ҳам секин-аста ишга туширдим. Ҳозирда костюм-шим, пальтоларгача тикаяпман.

Ҳозирги фаолиятимдан мамнунман. Чунки энди ҳақиқий ҳаётга қайтдим. Қизим бироз улғайган, ишлаш ниятим бор. Шунинг учун инглиз тилини ҳам мукамал ўрганмоқчиман. Ҳозирда уюшма ёрдамида кет-пул компьютер курсларига қатнашман. Шунингдек, тикувчилик сир-асрорларини яқна тартибдаги аёллар ва касб-хунар коллежи ўқувчилари учун кийим бичиш, андоза тайёрлашнинг осонроқ усулларини ўргатиш мақсадида ўқув қўлланма ишлаяпман.

Нилуфар САПАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Унлаб эпизодик ролларнинг мохир ижрочиси Хилол Насимов кейинги йилларда давлат бююртмаси асосида суратга олинган «Ёдгор», «Афанди ва Азроил», «Факат галаба», «Тахдид», «Алданган аёл», «Тубанлик» каби фильмлар режиссёри сифатида кино мухлислар калбидан жой олди.

— Сиз режиссёрлик қилган «Ёдгор» фильмини ҳаяжонсиз томоша қилиб бўлмайди. Шу картинадан ўзингиз учун нималар эсдалик бўлиб қолган?

— Атоқли шоир ва адабиётчи Гафур Гуломнинг барча асарларини болаликдан маза қилиб ўқийман. Фильмнинг

сценарийси даврга қараб ўзгаририлган. Аммо асосий мақсад, гоҳ сакланиб қолган. Томошабинларнинг фикр-мулоҳазаларини биллиш мақсадида

«Ёдгор» фильми премьерасини Шаҳрисабзда ҳам ўтказганмиз. Шунда бир олаҳон туриб, «Гафур Гуломнинг асариде бола онасига қайтариб берилган. Нега сизлар болани онасига қайтариб бермадинглар?» дея эътироз билдирган эди. Мен ўша синчков аёлнинг саволига жавоб қайтаришга улгурмасидан, бир томошабин ўрнидан туриб, фильмдаги воқеалар ниҳоятда ҳаққоний чиққанлигини айтди ва уни ҳам гўдақлигида ота-онаси ташлаб кетганини, бугунги кунда ўзи Мехрибонлик уйининг директори эканлигини, меҳрдан, болаликнинг ширин завқларидан мосуво қилган ота-онасини ҳеч қачон кечира олмаслигини ҳаяжон билан сўзлаб берди. Онгли аёл ҳеч қачон боласини ташлаб кетмайди, пушаймон бўлганда эса кеч бўлади. Бир марта хато қилган одам яна хатога йўл қўймасин, эртага ўтган умрига ачиниб қолмасин — киномининг асл мақсади шу эди.

— «Дада» фильмини «Ёдгор»дан кўчиришган деган гапларни кўп эшитдик. Ўзингиз нима дейсиз?

— Тўғри айтишибди. Айнан ўзи. Воқеаларнинг айрим жойларни ўзгаририлган холос. Шу фильмини ишласлик керак эди. Қайтариқнинг нима кераги бор?

— «Алданган аёл»да хотин кишини ҳақоратлайсиз, хўрлайсиз, калтаклайсиз, тепасиз. Бунчалик шафқатсиз бўлишни кимдан ўргангансиз? Хилол Насимов ўзи ҳаётда қанақа одам?

— (кулади). Биринчидан, ҳаётда унақа одам эмасман. Мен актёрман! Томошабин аёлнинг гадои топмас жойларда, бегона, раҳмсиз кимсалар қўлида қандай ўхланганини ҳис қилсин, дедик. Аёл ҳатто ўзи дунёга келтирган болаларидан воз кечиб, мана шундай оқимга кирганини, ўзига азоб сотиб олганини ўша террорист ҳам билади, у ҳам аёлдан нафратланади ва хўрлайди. Актёр сифатида вазифамни тўлақонли бажариб беришим керак эди. Фильмдаги воқеалар тўқима эмас, ҳаётдан олинган. Чирчилик бир аёл алданиб, террористлар қўлида бундан ҳам баттар зулмларни кўрган ва юртга қайтгандан кейин бошидан ўтганларини сўзлаб берган. Гудкек оиласини ташлаб, жаннат излаб, эридан берухсат чиқиб кетган аёлларга террористлар ҳеч қачон шафқат қилмайдилар.

Халқимиз жуда ишонувчан. «Ҳамиша салбий ролларда чиқасан, одамларга ёмон кўриниб нима қиласан?» дегувчилар ҳам топилади. Яқинда кўчада бир қиз менга ўқрайиб қараётганини сезиб қолдим. «Ха, синглим нима бўлди?» десам, «Сиз менга умуман гапирманг! «Номус»да сизни жуда

бор, ҳаёт тўхтаб қолмайди-ку! Сизга навбатдаги саволим: Нега алданган аёл уйига қайтмади, деган саволларни беришмаяптими мухлислар?

— Шу саволни ҳозир ҳам беришаяпти. Аёл болаларининг шаънини ўйлаб, уйига қайтмади. Узоқдан туриб,

Хилол НАСИМОВ:

УМР ДЕГАНЛАРИ ОҚАР СУВ ЭКАН

ёмон кўриб қолувдим, «Алданган аёл»дан кейин эса бўғиб ўлдиргим келди», дея тескари ўғирлиб кетса бўладими (кулади).

— «Алданган аёл» қайта-қайта томоша қилинадиган



киноасарлардан бирига айланганининг

сири нимада?

— Долзарблигида! Актёрлар ўз ролини жой-жойига қўйиб, ишонарли тарзда ижро этиб бера олганлигида. Кўча-кўйларда, баннерларда «Огоҳ бўлинг! Одам савдоси қурбонига айланманг!» деган катта ёзувлар осиглиқ турибди. Лекин нега буни кўра-била туриб адашишяпти? Бир воқеа эсимда: диний оқим таъсирига тушиб қолган 18 ёшли бир қиз ҳеч кимга қулоқ солмай, ҳатто онасининг ҳам гапига кирмай, хорижа кетаётган экан. Онаси уни йўлдан қайтариш учун фильм дискини олиб келиб, қайта-қайта кўраверибди. Кинони аввалига эътиборсиз кўрган қиз, кейин қизиқиб томоша қилибди ва ўша йўлдан қайтибди.

Яқинда Японияда диний-экстремистик оқимларга қарши катта симпозиум бўлиб ўтди. Биздан ҳам вакиллар иштирок этишди. 50 дан ортиқ фильмлар қаторида «Алданган аёл» намойиши ҳам бўлибди ва катнашчиларнинг барчасига инглиз тилида ёзилган дискларни эсдалик учун тарқатишибди. Яқинда бир бизнесмен бу фильмининг 18 марта кўрганлигини, агар давомини ишласак, ўзи ҳомий бўлишини айтиб қолди.

— Давомини ишлаган бўлармидингиз?

— Мана, ўзингиз айтинг-чи, фильм хотимаси нима билан тугаши мумкин эди?

— Аёл адашди, хато қилди. Ҳамма ҳам адашди. У ҳам иккинчи қисмида бахтининг топсин, уни тушунган одамлар чиқиб қолар. Адашган аёлнинг ҳам келгусида бахтли бўлишга ҳаққи

ларни, турмуш ўртоғини кўрди ва ўз ёғига ўзи қовурилди.

«Финал борасида қайта ўйлаб кўриш керак», деди кинотанқидчилардан бири. Йўқ, мен қайта ишлаган

нимда ҳам биринчи йўлни тутган бўлардим.

— «Тубанлик» киноси ҳам катта муваффақият қозонди. Нега бу картинага «Алданган аёл»даги актёрларни чақирмадингиз?

— Аввалгисизда роль ижро этган актрисани кейинги фильмга таклиф этмаيمان. Агар шундай йўл тутсам, воқеа-ҳодисалар бутунлай бошқача бўлса-да, барибир қайсидир томони олдинги асарга ўхшаб қолиши мумкин. Фильмда ранг-баранглик бўлиши керак. «Алданган аёл»да ҳам икки-учта дебют актёрлар бор. «Тубанлик» да бош ролни 15 яшар мактаб ўқувчиси ижро этди. Салбий ролларга актрисаларни жалб қилиш жуда қийин кечди. Хосият Хусановани таклиф этган эдим. Сценарийни ўқиб кўриб, «Йўқ, одамларнинг нафратига учрамайин, бу ролни ўйнасам, тошбўрон қилишадим», деб ҳазиллашди ва ролни олишга кўнмади. Фильм томошабинларга манзур бўлди. Чунки актёрларнинг ўзи қаттиқ таъсирланди. Қизнинг онаси ролни ижро этаётганида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева суратга олиш жараёнида анча-гача ўзига келолмай йиғлаб ўтирди.

— Сиз режиссёр, ижодкор сифатида адашганлар билан суҳбатда бўлаяпман, уларнинг кечинмаларини ўрганаёпман, дедингиз. Ёшлар қандай қилиб диний экстремистик оқимга кириб қолади? Асосий сабаблари нимада? Ота-онанинг нотўғри тарбиясида, ёки бошқа сабаблар ҳам борми? — Мен ҳам шу саволга

Гурун 2

Қисқа савол-жавоблар:

— Болаларингизга қаттиққўлмисиз?

— Албатта. Ахир рафиқам иккимиз улар учун жавобармиз, масъулмиз.

— Эркак кишини уйга чорлайдиган нарса нима?

— Дадажон, уйга тезроқ келинг, овқат пишди, деган гап мени хонадонимга чорлайди. Бир дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтиришга нима етсин?

— Ёшларимиз тарбиясида қайси ҳолатлар сизни ташвишга солади?

— Китоб ўқимасликлари. Минг афсуски, катталарнинг ўзлари ҳам ўқимай қўйишди.

— Одамдод нимадан қочмаслиги керак?

— Меҳнатдан. Болалигимда оғир меҳнатнинг тағида катта бўлганман. Далада ишладим, слесарлик қилдим, режиссёрларнинг қўлида ишлаганимда улар буюрган ҳамма ишларни бажарганман. Меҳнат қилиб толган нонинг жуда ширин. Бу шунчаки айтилаётган расмий гап эмас. Бор гапни айтаяпман.

жавоб излаб юрибман. Мен моддий томонлама қийналаётган одам адашиб бу йўлга кириб қолади, деган ўйда эдим. Йўқ, зиёли, ўзига тўқ оилада вояга етган, инглиз, рус тилларини мукамал биладиган, Тошкент шаҳрида туғилган бир йигит ҳам шу йўлга кирибди. Маълагини болаларининг илм олишлари учун сарфлаган ота-она фарзандининг қандай қилиб бу оқимга кириб қолгани сабабини билмай ўтирибди. Бу хонадонда 5 та телевизор бор, компьютер бор. Ҳамма шароит муҳайё. Йигитни рафиқаси билан чет элга кетаётганида, йўлда ушлашибди. Яхши-ини ушлашибди. Бўлмаса ўзини бошқа жойга, хотинини бошқа жойга қўл қилиб сотиб юборишлари мумкин эди. Аёлдан нега ҳеч нарсани тушунмай кетаяписиз, деб сўрасангиз, бош эгиб, «Билмасам, хўжайиним нима десалар шу-да», деб турибди.

Бу ерда асосий айбдор — Она! Ота ҳам айбдор. Лекин Она боласидаги ўзгаришларни кузатиши, сезиши керак эди. У вазифасини унутиб қўйди, ўғли ва келинининг чет элга, кўр-кўрона, ноқонуний йўллар билан кетаётганини назорат қилмади. Уйда 5 та телевизор бор одам дунёда юз бераётган ўзгаришларни кузатмайди? Ахир кунда, кунора ойна жаҳонда оғоликка чақирадиган кўрсатувлар берилаяпти-ку!

Биласизми, дунёда энг гўзал ва ёқимли нарса нима? Бу инсон эрки, озодлиги. Инсон фақат ўз юртидагина чинакамга бахтиёр, эмин-эркин бўла олади. Мен қайси мавзуга олд урмайин, томошабин мана шу хисни чин дилдан туғишини, тушунишини истайман.

— Тилакларингизни айтсангиз.

— Умр деганлари оқар сувга ўхшайди. Тилагим ва ниятим: беш кунлик дунё деганимиз фанимат умрнинг қадрига етиб яшайлик!

Меҳринисо ҚУРБОНОВА
суҳбатлашди.



МУҲОКАМА — бу

сўзни биз одатда бирор масалани ҳал қилиш учун фикрлашиш, мулоҳаза қилиш маъносида тушунамиз. Аслида, «муҳокама» сўзининг илдиизи «хукм» сўзига бориб тақалади. Шунинг учун бу сўз «судлашиш», «даволашиш», «хукм қилиш» маънолариде аслига яқин келади. Тилимизда бу сўз билан ўзақдош бўлган «ҳакам», «маҳкум» каби талайгина сўзлар бор.

Анвар кечаги кунларда ҳиссиётга қаттиқ берилиб, китоб сўратиш одатини яхши муҳокама этмаганидан қаттиқ пушаймон эди.

Абдулла Қодирий

ЖАВҲАР ВА ЖАВОҲИР — «Жавҳар» сўзининг туб илдиизи «моҳият» деган мазмунга эга. Қимматбаҳо тошларнинг умумий номи ҳам тилимизда «жавҳар» деб аталади.

«Жавоҳир» сўзи эса, «жавҳар» сўзининг кўплигидир.

Муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладиган юрак жавҳаридир.

Абдулла Қодирий

Қутичанинг тағида каптарнинг тухумидек келадиган ва капалак рангидек нафис товланган ажиб бир жавоҳир ярқираб ётарди.

Одил Ёқубов

КУНГАЙ ВА ТЕРСКАЙ — тилимизда қуёшга қараган, қуёш тик тушардиган жой «кунгай» сўзи билан ифодаланади. Қуёшга тескари, қуёш тушмайдиган жой эса, «терскай» деб аталади.

Ҳар қанақа тоғнинг кунгай ери терскай ёғидан шунақа паст бўлади, — деди Алимбува.

Мирзакалон
Исмоилий

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Унинг ота-онаси Холиджон Комилов ва Дилором опа 15 йил фарзанд кутдилар. Бир-бирларини авайлаб, кўнгилдаги ўкинч ва дардларни дил тубига кўмиб, ҳар не яхшилик, қувончу шодлик, машаққату ташвишлар Яратганининг ҳукмида дея, Сабрдан сарпо кийиб яшайвердилар. Оллоҳнинг қарами кенг эканлиги ушбу жуфтлик тақдирида ҳам аён бўлди: 1991 йилнинг баҳорида шўх-ўйноқ хиянларнинг қўлидаги довуччалар Дилором опанинг кўзига оловдек кўринди. Кўнглига нордон таъм хуш ёқа бошлади... Ундаги ўзгаришларни ҳаммадан аввал қайни-синглиси Жамила Комилова ва хонадон бекаси Матлуба ая пайқашди...

Таниқли кўз шифокори, тиббиёт фанлари доктори Маҳаммаджон Комиловнинг хонадонига шу тарика қувонч фариштаси ташриф буюрди. Оиланинг ёлғиз ўғли Холиджон Комилов ва Дилором опанинг бағрини тўлдириб 1991 йилнинг ноябрида Дурдона дунёга келди.

— Раҳматли қайнона-қайнотам жуда яхши инсонлар эди. Бу хонадонга келин бўлиб тушганимдан беҳад бахтиёр эдим, — дейди Дурдонанинг онаси Дилором опа Комилова. — Аммо бефарзандлик йилдан-йилга, ойдан-ойга юрагимни азарди. Уша кезларда "Қачонгача бундай яшаймиз. Балки ажрашиб кетсам, Холиджон ақанинг фарзанди бўлар", деган ўйлар ҳам кўнглимдан ўтган. Ана шундай кезларда Худойим бизларга Дурдонани ато этди. Унга ҳаммадан кўра бобоси (Тахририят изоҳи: таниқли офтальмолог, тиббиёт фанлари доктори, уруш қатнашчиси Маҳаммаджон Комилов) ва бувиси кўпроқ меҳр кўйишган эди. 4-5 яшарлигида нимагадир хархаша қилаверса, юзига бир шалапоқ урибман, денг, ўшанда шундоқ салобатли, профессор ва раҳбар одам бўлган қайнотам раҳматли "Кизимни ургунча, мени урақолинг", дея бошини эгиб менга даки берганлари сира эсимдан чиқмайди. Дурдонанинг феъл-атвори бобоси раҳматлига жуда ўхшарди.

Бир куни нонушта маҳали тўрт яшар қизалоқ йўқолиб қолади. Хонадон ахли оёққа қалқди. Ҳамма хоналарни, ҳовлини қидиришди. Дурдона йўқ. Ишга бориши керак бўлган бобонинг ҳам, ота-онанинг, Матлуба аянинг ҳам кўзлари гирён эди. Дилором опа ўзини сира қўлга ололмас, кўз ёшларини шашқатор оқизиб, оиланинг Қувонч фариштасини изларди. Бир пайт қизалоқ хона ўртасида пайдо бўлади ва қиқирлаб қуларкан, "Агар йўқолиб қолсам, нима қиларкан-сизлар, деб атай парда ортига бекиниб олгандим", дейди...

— Онаси уни еру кўкка ишонмасди, — дея сўхбатимизга қўшилади **Ўзбекистон Қахрамони, тиббиёт фанлари доктори Холиджон Комилов**. — Дурдонани боғчага бермадик. Онасининг ўзи ишдан қолиб унга қаради. Бувисининг тарбиясини олди. Болалигидан жуда қизиқувчан ва зийрак эди. Тезроқ мактабга боришни истарди. Уша йиллари болаларни олти ёшдан мактабга олишайтганини эшитиб, хали олтига ҳам тўлмаган кизимни етаклаб Шайхонтоҳур туманидаги 39-мактабга олиб бордим. У билан сўхбатлашиб

Одам одамга ганимат, дейдилар. Умр эса ўлчовли. Кимгадир бир аср, бировга 50 йил, бошқаларга эса ундан камроқ ёки кўпроқ яшаш имкони берилади. Кексайиб, ҳаётнинг барча қувончу ташвишларини кўриб, дорилбакога юз тутганларни "Ёшини яшабди-ку, бу ўтқинчи дунёдан армонсиз кетгандир", деб қўямиз. Аммо айнаи кучга тўлган, гуллаб-яшнаётган, навиқрон ёшида умри поёнига етганлар ҳам бор-ку орамизда...

Истиклолимиз тенгдоши Дурдона Маҳаммаджонова ота-онаси, яқинларининг юрагини армонга тўлдириб, ҳаётдан кўз юмганида эндигина 21 ёшда эди. Ҳар сафар бу фариштасифат кизни хотирлаганда "Орзулари қандай эди, юрагида не армонлари қолган экан", деган ўй кўнглимдан ўтаверади...

ҚУВОНЧ ФАРИШТАСИ

қўришгач, 1-синфга қабул қилишди. Буни кутмагандим. Қийналиб қолармикан, деб ўйладим. Йўқ, жуда яхши ўқиб кетди. Устозларини беҳад хурмат қилар, уларнинг топшириқларини бажармагунча хотиржам бўлмасди. 10-11-синфларни шахримиздаги 324-мактабда давом эттирди. Жуда чиройли расмлар чизарди. Рассом бўлармикан, деган ўйда эди. Аммо улгайиб, оқ-қорани таний бошлагач, шифокор бўлиш истагида эканини айтди. Биология, кимё фанларидан қўшимча дарсларга борди ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтига ўқишга кирди.

Истиклол имкониятларидан баҳраманд бўлиб улгайган ёшлардан бири бўлган Дурдона жуда интилувчан эди. Мактабда ҳам, институтда ҳам фақат аъло баҳолар олиб ўқишга интиларди. Бу оиланинг ажойиб аънаси бор. Бир пайтлар Маҳаммаджон Комилов Холиджон ақани ўзи етаклаб юриб, юртимизнинг шахару қишлоқларига олиб борган эди. "Хорижга чиқишдан аввал сен Ўзбекистоннинг нақадагўзал ва бетакрор эканини кўришинг керак", дерди у ўғлига. Холиджон Комилов ҳам Дурдонани мамлакатимизнинг барча шахарлари, тарихий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари билан таништириб чиқди. Самарқанду Бухорода ҳам, кўхна Хивада ҳам, водийнинг гулга бурканган шахарларида ҳам, умуман олганда юртимизнинг қайси гўшасига бормасин, Дурдона кўзлари қарақлаб, "Ватанимиз шунчалки чиройлими, шунчалки бойимизми, адажон", дея ҳайратини яшира олмасди.

"Мен хали зўр шифокор бўламан", дер экан у онасига. Ўз навбатида Дилором опа уни аяр, "Болам, "беш" баҳо олмасанг олмасан, ўзингни бунчалки қийнама, одам ўқишда эмас, ҳаётда аъло баҳо олиши керак", дея насиҳат қиларди. "Яхши ўқимасам, ҳаётда қандай қилиб "беш" баҳо оламан", деб жавоб бераркан Дурдона. ...Вақт югурди. Шу орада Холиджон ақанинг хонадонига совчилар кела бошлашди. Домла бўлса, қизининг кўнгли-

га қаради. У эса ота-онасининг розилигини тилади. Уларнинг раъйига қарши бормади. Яна бир шифокорлар сулоласидан келган совчилар хонадонга маъқул бўлди. Дурдонани номдор жаррох Обиджон Илхомовнинг невараси, Тошкент давлат Тиббиёт академияси магистрант Дилшоджонга

ми? Дурдона келин бўлиб тушган жойидан бахт топган эди. Лекин...

Кизини узатгач, Дилором опанинг юрагида англашилмас бир безовталиқ бор эди. Ахир, унинг ўзи 15 йил деганда фарзандлик бўлганди-да... Қайно-



узатишди. Дурдона ўзининг меҳригисини билан келин бўлиб тушган уйини фазйга тўлдириб, Дилшоджоннинг ота-онаси, таниқли хирург, тиббиёт фанлари доктори Фарход Илхомов ва кардиолог Сардора Исақова Дурдонага ўз қизларидек меҳр кўйишди.

Халқимизда данагидан мағзи ширин, деган нақл бор. Айниқса, катта қайнотаси Обиджон Илхомовнинг невараси келинига меҳри бўлакча эди. Дурдона ўқишдан келиши билан тўғри унинг хонасига кирар, салом бериб хол-аҳвол сўрар, "Хали тушлик қилмагандирсиз, ҳозир тезда бирор нарса тайёрлаб бераман", дерди. Ана шу меҳрибонлиги учун ҳам Обиджон ака қўпинча невараси келинига келмагунча тамадди қилмай ўтирарди...

Оилавий тўй-тантаналар ёзилган дисларни кўраётганимизда Обиджон Илхомовнинг қўйидаги сўзлари эътиборимизни тортди: "Маҳаммаджон Комилов менинг қадрдон дўстим эди. Холиджон эса Фарходнинг ўртоғи. Бу оилага шундай узилмас ристалар билан боғланган бўлса-да, Дурдонани келин қилаётганимизда, "Катта уйнинг ёлғиз қизи, жуда эрка ўсмаганмикан", деган хавотирда эдим. Аммо Дурдона ўзининг одоби, хушмуомаласи, ширин сўзи, ва рўзгор ишига пишиқ-пухталиги билан ана шундай ўйлаганим учун мени уяттирди. Уни ўз кизимиздан ҳам зиёда яхши кўриб қолдик".

Катта қайнотанинг бундай эътирофига эришиш хар қандай келинчакнинг орзуси эмас-

наси ҳам биринчи фарзандини узоқ интизорликдан сўнг кўрган. Шуларни ўйлагани сайин онанинг ичини бир ҳадик кемирар, "Ишқилиб, қизимда ҳам бизнинг тақдиримиз тақдорланмасайди", деб хавотирланарди. Ана шундай кўнларнинг бирида, тўйдан икки ойлар чамаси ўтгач, Дурдона унга сирли хушхабарни етказди. У ҳадемай она бўлишдан бахтиёр эди.

Дилшоджон ва Дурдонанинг туғилажак фарзандини икки хонадон интизор бўлиб кутишарди. Комиловлар оиласининг Қувонч фариштаси яна бир Шодлиқни уларга тўхфа этиш арафасида эди... Аммо...

Ҳомила саккиз ойлик бўлганда Дурдонанинг аҳволи оғирлашди. Уни зудлик билан касалхонага ётқизишди. Афсуски, бола ўлик туғилди. Дурдонанинг аҳволи ҳам кутилмаганда ёмонлашди. Уни асраб қолиш учун малакали шифокорлар томонидан қилинган барча саъй ҳаракатлар бесамар кетди...

Холиджон Комилов ва Дилором опанинг Қувонч фариштаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 4-курс талабаси Дурдона Маҳаммаджонова 2012 йилнинг май ойида дунёдан ўтди...

— Дурдона оиламизнинг эркаси, бахти эди — дейди фарзанд доғида ўртанаётган Дилором опа. — Аммо начора. Умри қисқа экан. Бу айрилиққа чидаш мушкул. Хар куни опоқ келинлик либосида тушларимга киради, уни соғинамиз. Дунёларга сизмаган пайтларим бўлади. Аммо юрагимга

Хотира саодати

бир нарса таскин беради. Қизим шу ҳисобигини умрида бахтли ҳаёт кечирди. У шу сулола билан фахрланар, бизларни еру кўкка ишонмасди. Агар отасининг "Ўзбекистон Қахрамони" унвонини олганини кўриш насиб этганида борми, Дурдонажоним дунёларга сизмай кетарди-я! Унга дадаси илк бор компьютер совға қилиб, интернетга улаб берганида, энди ўқишларимда қийналмайман, интернетдан ўзим учун фойдалани кўп нарсаларни топишим мумкин, деганди. Кейин ҳайдовчилик курсида ўқиш истагини билдирди. Ота-сиз қаршилиқ қилмадилар. Ҳайдовчилик гувоҳнамасини олганида эса, ҳақиқий замонавий қизлардек бахтиёр эканини айтганди.

Тўйида ўзи оруз қилганидек, чиройли келин бўлди. Турмуш ўртоғи Дилшоджоннинг муҳаббатини қозонди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Райҳон Ғаниеванинг қўшиқларини севиб тингларди. Хар йили 14 февралда қишнинг қировли кунини, йўллар музлама бўлганга қарамай, дадаси ва мени икки ёнига олиб Райҳоннинг концертига отланарди. Турмушга чиққач, "Хайрият, энди концертга Дилшоджон билан бораверасан", деб ҳазиллашдим. Чиндан ҳам Дилшоджон уни концертга олиб борди. У ўшанда ҳам жуда хурсанд эди.

— Одам бу дунёда қувончлар, шодлиқлар, бахт ва бахтсизлиқлар билан синалар экан-да, — дейди Холиджон Комилов маҳзун оҳангда. — Дурдона биз учун Оллоҳнинг улкан инъоми эди. У фариштадек бўлиб уйимизни шодлиққа, кўнглимизни бахтга тўлдириб, Фарзандингизнинг шодмонлиги хар бир ишда одамга куч-қувват ва илҳом беради. Биз 21 йил ана шундай Бахтли умр кечирдик. Бугун у билан орамизга айрилиқ тушган бўлса-да, ҳамон САБРга сўянгамиз. Зеро, фақат ироғидина одамни кучли қилади. Ҳаёт эса давом этмоқда. Унинг хотираси умримизни ёритади.

Шу ўринда яна бир нарсани айтмасам бўлмайди: ёнимиздаги одамлар нимаики яхши нарсани истаса, шу истагини амалга ошириш учун кўмаклашиш, уларга меҳр бериш, орзу-интилишлари йўлида қўллаб-қувватлаш, уни ҳаётнинг қувончларидан баҳраманд этиш керак экан. Ана шундагина кўнглида ёруғ хотиралар қоларкан...

Истиклолимиз тенгдоши Дурдона Маҳаммаджонова ҳам юртимизнинг гўзал орзулар билан келажакка интилаётган қизлардан бири эди. Унинг қисқасига ҳаёт дафтариде бир олам ҳикматлар мужассам эканига шубҳамиз йўқ. Бу дунёдаги хар бир нарса Яратганининг эзгуликка йўрилган нурлари билан зийнатланган. Дарвоқе, Холиджон Комилов ҳақ гапни айтдилар: ёнгинамизда яшаётган хар бир инсоннинг кўнглини олоқк учун бугун, ҳа, айнан шу лаҳзадан бошлаб харакат қилмоғимиз шарт. Эотан, уларнинг хар бири сизу бизнинг Қувонч фариштамиз бўлиши мумкин. Ахир, бу дунёда ҳаммаимиз бир-биримизга ганиматимиз, азизлар!

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.

...Ҳаммаси Муқаддаснинг ишга тушшидан бошланди. Акбаржон нуфузли ташкилотда яхшигина ишлаб, Ёниппек дўзгор тебратиб юрган эди. Даниллама ҳовли-жой ва шириншаклар ўнличалари уларнинг ҳаётини гулшанга айлантириб турарди. Гўё. Бироқ уйда ўтириш онани зериктириб қўйди чопи. «Уламан саттор, ишга чиқаман», деб туриб олди. Акбаржон бунга зарурат йўқлиги, уйда Муроджоннинг ёлғизлигини ҳар қанча тушунирмасин, Муқаддас етти йил университетда илм олганини, болага қараб туриш учун қишлоқдан синглиси Муқаддас келишини айтган, ноллож рози бўлди.

Бир тарафдан ишлайдиган эр-хотин учун беминнат ёрдамчининг бўлгани ҳам яхши экан. Қишлоқ меҳнатини кўриб ўсган эмасми, шаҳардаги кафтдек ҳовлининг ишлари Муқаддас учун гўё эрмакдек туюлар, юмушлари ўйнаб-қулиб бажарар эди. Ҳамма ёқ тоза-озода, иссиқ овқат, яна сахарлаб эринмасдан тайёрланган пишириллар, дармонбоп салатлар уй соҳибларига мунтаазир турар, улар мириқиб нонушта қилишгач, Муқаддасга раҳмат айта-айта ишга отланишарди.

Аваллари эшикдан ҳатламанган Муқаддас Муроджон мактабга чиққач, уни олиб бориш ва дарсдан сўнг олиб ке-

БЕХОСИЯТ СОВҒА

лиш баҳронасида кўчага чиқади-ган бўлди. Қодирни ҳам мактаб ёнидаги кафедра учратди. Учратди-ю гўё ҳаётига мазмун киргандай бўлди. Кейинроқ йигит унга уйланиш ҳақидаги таклифини айтган, бундан хабар топган Акбаржон яқинроқ танишиш мақсадида куёв бўлишни меҳмонга чақиртирди. Бўлажак божасини синаш мақсадида қуйиб берилган спиртли ичимликларни бирма-бир бўшатиб, гандираклар қолганини кўргач, Акбаржон у билан чиройли ҳаёт куриб бўлмаслигини қайсинглисига тушунирди. Аммо аввалги турмуши бузилиб, ҳаётнинг аччиғини бир марта тотиб кўрганлигига қарамай, Муқаддас ўз билганидан қолмади, Қодир билан пинхона учрашиб юрарди. Энг ёмони, учрашувларда йигитнинг раъйига қарши боролмай, аввалига бир-икки хўплаган қиз, бора-бора ичишининг яхшигина ҳадисини ўрганиб олди.

Айниқса, қариндошларининг тўйи муносабати билан почта ва опанинг қишлоққа келиши улар учун айни мудоао бўлди. Опанининг уйини қорювланиш баҳона қилиб Тошкентда қолган Муқаддас дам олиш куни Қодир билан узукун шаҳар айланди, кинога кирди, кейин ресторанда овқатланди. Ва яна ҳар доимгидек ичишди. Сархуш бўлган Муқаддас анчадан буён сумкачасида

олиб юрган миттигина пичоқни «Омад рамзи бўлсин», дея йигитга совға қилди. Хурсандчилик баҳронасида яна икки шишани юмалатган икковлон бир-бирини суяб кўчага чиқишди.

— Сизни ўзим уйингизга элтиб қўяман, — Муқаддаснинг қулоғига шивирлади Қодир кўзлари сузилиб.

Аслида Қодир бошқа мақсадни кўзлади, яъни уйда ҳеч

сўроққа тутди опаси. Бу вақтда Муқаддас жавоб берадиган аҳволда эмас эди.

Синглисини маст ҳолда кўриб уялган опа эрига билдирмасдан тезроқ ётоғига қиритиб қўйиш учун уни бир қўлида суяб, иккинчи қўли билан дарвоза зулфинини беркитишга шошилди. Бироқ ичкиликнинг зўри билан ўзини шер тутаетган йигитнинг қаршилиғига кучи етмади. Қодир қадамларини алмойи-жалмойи ташлаганча, темир дарвозани тарақлатиб ҳовлига кириб олди.

— Бор, дадангни чақир, — зарб овозидан чўчиб, кўзларини ишлаганча эшикка чиқиб келган Муроджонга ўшқирди у. — Уйда пусиб ётмасдан, бу ёққа чиксин!

Йўл азобидан ҳорғин ётган Акбар парда ортидан йигитни таниб, айвонга қикди:

— Яхшиликча бу ердан кет, сен билан эртага гапашаман, акс ҳолда хафа бўласан.

— Э, божа, мен бугун шу ерда тунаيمان, — дея гандираклаганча зинапоёдан кўтарилди Қодир.

— Кетсанми, ё бошқачасига гапашамизми? — унинг



ким йўқлиги боис иккиси бирга қолиши керак эди. Ҳовлига яқинлашишда эса чироқларнинг ёниқлигидан икковлари ҳам ҳайрон бўлишди. «Ёдимдан чиқиб, ўчирмай кетгандирман-да», деб ўзига таскин берди Муқаддас. Аммо поччасининг ишонасидан зудлик билан чақиртиришгани учун улар қишлоқдан эрта қайтишганидан икковлари ҳам беҳабар эди.

— Ярим тунда қаерларда юрбсан, — эшикни очаркан

Жинойят ва жазо

йўлини тўсди Акбар.

— Тушунмадим, сен мени ҳайдапсанми, ҳеч қайёққа кетмайман, қоч йўлимдан?!

Муомалага ҳожат йўқлигини сезган Акбар Қодирни тирсагидан ушлаб, кўчага судради. Шу пайт Қодир қўлини чўнтағига тикиди-да, боғинага «севгилиси» совға қилган пичоқни қинидан суғуриб, бўлғуси «божа»сининг кўксига санчди:

— Мана сенга, мана, мана! — қутилмаганда кетма-кет бериб турган Акбаржон юз-тубан йиқилди.

— Дадажон, даданми ўлдириб қўяди ҳозир! — ичкарига кириб кетган опа-сингиллар Муроджоннинг аянали кичкиригидан сўнг югуриб чиқишди. Бу орада бақир-чақир овозидан безовта бўлиб чиққан қўшинлардан бири «тез тиббий ёрдам»га, яна бири милицияга кўнғирок қилди. Афсуски, Акбаржоннинг ҳаётини асраб қолишмади...

Беғуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлган Қодир Жонибеков Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «ж», «л» бандларида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб, 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Фуркат РАСУЛОВ,
Олмазор тумани прокурорининг ёрдамчиси,
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист.

(Мақоладаги исм-шарифлар ўзгартрилган)

Буни ҳаёт дейдилар

аҳволи кундан-кунга оғирлашиб борарди. Қутилмаганда онасидан айрилиб қолиши ёмон таъсир қилган. Менга ичikkan. Хали кўрак сuti билан озиқланадиган пайтда ҳар хил овқатларни еб, ошқозони бузилган. Икки ойгача тўхтамай ичи кетаверган. Бу хабарни эшитгач, на еган-ичганимда, на ўтирган-турганимда ҳаловат бўлмади. Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам б ойлик гўдагимнинг митти қўлчаларини менга чўзиб, талпиниб тургани кетмайди. Юртимга қайтиш фикридан фақат Назокат қайтариб турарди. Охири, мени дахшатга солгувчи воқеа содир бўлди. Содикжоним, жажжигинамни оламдан ўтгани ҳақидаги хабар келди. Бир ҳафтагача бошимни болишдан кўтаролмай ётдим. Йилгадими, сиктадими. Ўзимни сал тиклаб олган, ортга қайтдим. Тўғри қабиристонга бордим. Мен учун ҳаёт туғандек эди. Хорижда атиги беш ойгина яшадим, аммо беш ўз йилга татийдим. Бир кун дарду-ҳасратни орттириб қайтдим. Дунё кезаман деб, дунёларга татигулки қувончинми бой бердим. Бир-икки ой ўз ёғимга ўзим қоврилиб яшаб юрдим. Бир кун эшигимдан отам билан акам кириб келишди. Суянчигим отамнинг оёқларига йиқилдим. Ишонганим акамнинг бағрига ўзини отиб, тўйиб-тўйиб йилгадими. Улар мени аллақачон кечиртишган экан. Ҳам оилам, ўғлимдан айрилиб қолган, ўлиб қолсам керак дегандим. Вақт олий ҳакам деганларини рост экан. Яқинларим дардимга шерик бўлишди. Бу дунёда ота-она, жигарларингизга сенга суянчи бўлиши мумкин экан холос.

Ҳамон кўз олдимдан олти ойлик гўдагим кетмайди. Қилишим учун ўзимни асло кечира олмаيمان. Оилам сирини кўчага олиб чиқмаганимда, ишонувчан бўлмаганимда балки бу азоблар йўқмиди? Ҳаёт менга яна бир имконият берди. Яқинда ўзим қаби озги кўнган, аёлидан фарзандсизлик туфайли ажрашган бир одамга турмушга чиқдим. Ишляпман. Ҳозир уйга борибқў эримдан суянчи оламан. Нега десангиз, мен яна она бўлишим мумкин экан...

Нигора РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

ДУНЁ КЕЗИБ, «ДУНЁ» СИДАН АЙРИЛДИ

Дам олиш куни маҳалламизга бир гурӯҳ мапакали шифокорлар замонавий ускуналар ёрдамида хотин-қизларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш учун келишди. Бундай имкониятдан фойдаланиш учун қўшинлар билан йиғилишиб шу ерга бордик. Мендан олдин навбатда турган аёл: «Ўзим ҳам шу кунларда шифокорларга учрасамми, деб юргандим. Жуда яхши бўлди-да, ҳам текки, ҳам шундоқ-қина оёғимни остида», деди мамнун оҳангда.

— Маҳалламизга яқинда кўчиб келганга ўхшайсизми-а? — сўрадим ҳалиги жувондан.

— Ҳа, уч ой бўлди. Кўча охиридаги уйда турамин.

Кўриқдан қайтаётганимизда ўзини Дилдора деб таништирган аёл билан яқиндан танишиб қолдик.

«Текширув яхши ўтдимми?» — сўрадим, қўлидаги қоғозларга ишора қилиб.

— Ҳа, шифокорлар яна фарзанд кўришингизга умид бор, дейишди.

— Турмуш қурганингизга анча йил бўлдими?

— Тўрт йил.

— Ҳали ёш экансиз-ку, насиб этса, бир этак ўғил-қизлар кўрасиз, — дедим кўнглига таскин бериб.

— Айтганингиз келсин, илоё опагон. Аслида менга худойим ширингина ўғил берганди. Афсус, уни асраб қолмадим. Балки дардларимни сизга айтсам, бироз енгиллашарман, — дея Дилдора бошидан кечирганлари ҳақида сўзлаб бошлади.

Касб-хунар коллежини тугатиб, олий ўқув юртига киришмаганча, ота-онам турмушга узатамиз деб туриб олишди. Шифокор бўлиш ниятим бор эди. Онам ўқимига розилик бермади. Уэлари билган бир оиланинг ўлига узатишди.

Фарзандим Содикжон туғилгунича бахтли ҳаёт кечирдик. Аммо иккита бошимиз учта бўлган, иккитасиди муаммолар бошланди. Шерзод акам ижарага машина олиб ҳайдовчилик қиларди. Машинаси эски бўлгани учун топгани тузатишга кетарди. Ҳар куни нонга ярашагина пул қоларди. Қайнона-қайнотам бизни ижара уйга кўчириб чиқазиб қўйган, янаям қийналиб қолдик. Бир кун кўчада коллежда бирга ўқиган дугонам Назокатни учратиб қолдим. Шу-шу у билан телефонлашиб турдик. Унга оилавий шароитимни айтсам, раҳми келди шекилли, «Сени бошқалардан нима каминг бор? Ахир бу дунёга бир марта келсан, яхши яшагга ҳақласан Дилдор», деб руҳини кўтарди. Уйлаб қарасам, фақат уй, бола, омадсиз эрни деб, ўзимни унутиб қўйибман.

Бир кун Назокат «Яқинда мен хорижга учиб кетаман. Бойвучга куёв топдим», деб қолди. Улар интернет орқали танишиб, бир-бирларини ёқтириб қолишди. Дугонам келин бўлиб кетганидан кейин менга тез-тез кўнғирок қилиб, хориждаги ҳаёти ҳақида сўзлаб беради. Унга шунақа ҳавасин келардики, оқибатда ҳар куни турмуш ўртоғим билан арзиманган баҳона топиб, уришади-ган бўлдим.

Шундай кунларнинг бирида Назокат кўнғирок қилиб, «Сенгаям зўр иш топиб қўйдим, келсанг ўзинг раҳмат айтасан» деди. Чет элга кетиш бутун фикру хаёлимни ўғирлади. Хўжайинимга айтсам: «Ҳеч қаерга бормайсан. Мен нима топсам, шунга қаноат қиласан. Чидамасанг ана катта кўча», деди. Аслида менга шу гап керак эди. Уша заҳоти боламини олдим, шартта уйимизга жўнадим. Онамга ёлғон-яшиқ гапларни айтиб бердим.

— Онангиз сизни уйга қайтишга ундамади?

— Майли, бир-икки кун ўтириб тур, ўзи инфога келса, олиб кетар, деди. Бу орада Назокат кўнғирок қилиб, мени


шоширди. Ҳатто йўл харажатлари учун деб пул, кийим-кечак ҳам юборди. Қўлимга пул тушган, у ёқдаги ширин ҳаётни оруз қила бошладим. 3-4 йил ишлаб, пул топиб келиб, эримга янги машина олиб бераман, ҳаётимиз анча изга тушиб кетади, деб ўзимни юпатардим. Онамникида икки ойча қолиб кетдим. Шу орада бир мартагина отаси ўғлини кўриб кетди. Лекин уйга олиб кетай демеди. Онамга чет элга бориб ишлаб келиш ниятимни айтганим, бормайсан, деб туриб олди. Мен ўз қароримдан қайтмадим. Ҳатто отам, акам ҳам бу йўлдан қайтара олишмади. «Агар шу уйдан остона ҳатлаб чиқсанг, сендай қизим йўқ», деди отам. «Кетсанг, бу уйдаги жигарларингни унут. Биз ҳам сени унутамиз», деб дўқ урди акам. «Ҳали кўрасизлар, у ёқдан жарақ-жарақ пул юборсам, соямга салом берадиган бўлиб қоласизлар», дедим уларга қарши бориб. Уша кун уйда катта жанжал бўлди. Боламини кўтардим-у, шартта уйдан чиқиб кетдим. Юрагим тўлиб, дунё кўзимга тор кўриниб турган бир пайтда Назокат жонимга оро кирди. Фақат угина менга далда бўлди. «Боланга энага толгин-да, ҳужжатларингни тайёрлаб келавер. Эртага яна пул юбораман. Ҳали ҳаммаси сен билан фахрланиб юрадиган бўлишадим», деди кўнглимни кўтариб.

Эрталабдан бекатма-бекат юриб эълонлардан энага қидирдим. Охири бир татар аёл билан учрашиб, келишиб олдик. Олти ойлик боламини ташладим-у, кетдим. Назокат мени кутиб олиб, уйига олиб кетди. Уч-тўрт кун уникида меҳмон бўлдим. Кейин мени ишга жойлаштирди. Бир ҳафтадан кейин энамага кўнғирок қилсам, «Болангни иситмаси тушмаяпти, ҳеч нарса емаяпти, мен унга бошқа қаролмайман, пулинг ҳам керак эмас», деб туриб олди. Назокат таниш-билишларига кўнғирок қилиб, янги энага топиб берди. Ўғлимнинг



МУСИҚА МУЗЕЙИ

Дунёнинг энг йирик музейларидан бири Бельгиянинг Брюссел шаҳрида жойлашган бўлиб, бу ерда кўплаб антика экспонатлар, аниқроғи, қадимги мусиқа асбоблари сақланади. Эскича инглиз услубида қад ростлаган музей биноси 1899 йилда меъмор Поль Сантено лойиҳаси асосида



қурилган. У ерда «Кўхна Англия» деб номланувчи универсал дўкон ҳам жойлашган. Дўконнинг кириш жойи модерн услубида металл ва ойналардан ишланган. Бироқ қолган қисми Кириллик майдонидаги тарихий Биолар ансамблига уйғунлашиб кетади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу бино қаровсиз қолганди. 2000 йлга келиб, илгари Кириллик консерваториясида сақланган мусиқий қол-



лекция тўла таъмирланган мазкур бинога олиб ўтилди.

Музейда айни кунда дунёдаги энг бой мусиқий асбоблар коллекцияси жамланган. Яъни, бу ерда Африка қабилаларининг қадимий чилдирмасидан тортиб, турли клавиесинларга, 7000 дан зиёд экспонатлар мавжуд.

Бионинг энг юқори қаватида ресторан хизмати йўлга қўйилган, қолган қаватларнинг ҳар бирига турларга ажратилган ҳолда мусиқий экспозициялар жойлаштирилган. Масалан, торли, клавишли ёки пуфлама асбоблар.

Бу ерда замонавий оркестр чолғуларини ҳам учратиш мумкин, бироқ бу чолғулар ўз тарихий кўринишини сақлаб қолган. Шунингдек, анъанавий этник асбоблар, мусиқий автомат хижозлар ва мусиқа оҳангидида очилиб-ёпиладиган бежирим кутичалар кўпчилигини қизиқтиради қўяди.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАЙИН?

Оиламиздаги тўрт фарзанднинг тўнғичиман. Ёшим 27 да. Туман марказидаги шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайман. Бўш вақтларимда элита пардалари тикаман, шеър ёзаман. Аммо...

Коллежни битириб, ишлаб юрган кезларимда кўшни туманда яшовчи Ақром исмли йигит мени ёқтириб қолиб, совчи юборди. Ота-онам сўраб-суриштириб, унга узатишга рози бўлишди. Фалокат оёқ остида деганларидек, бўлгуси қувёв менинг туғилган кунимда табриклагани келаётиб, йўлда автохалокатга учраб оламдан ўтди. Бу дахшати воқеа содир бўлгач, ўғилларининг ўлимида ота-онаси мени айблашди. Шу-шу икки ўртада хусумат пайдо бўлди. Ақромнинг мендан уч ёш кичкина Ином деган укаси тез-тез менга кўнғироқ қилиб, кўнғилмига таскин берар, ақси ҳақидаги ширин хотираларни эсларди. Бир кун ишдан қайтаётсам, у кутилмаганда мени зарур иши борлигини айтиб қақирди. Келсам, машинасига ўтиришимни сўради. Нима гап, қаерга бормоқчисиз, десам, лом-мим демай жўнаворди. Қарасам, ғирт маст ҳолатда экан, «Сени деб девдай акам ўлиб кетди, ҳозир очикчасига галлашиб оламиз», деганча мени уриб, сўкиб ташлади. Кейин нима бўлганини эслолмайман, хушимга келсам, касалхонада ётибман, онам бечора бошимда йиғлаб ўтирибди.

Эртаси кун мелисалар келишди, суриштирув бошланди. Кейин билсак, Ином шу йўл орқали мендан ўч олмоқчи бўлган экан. Уйимдагилар «Кўй, қизим, бу аҳволда бир умр ёвлашиб юрамизми энди, хайрият соғ қолдингку, даввонгни қайтариб ол», дейишса ҳам, лекин барибир Ином қилмишига яраша қонуний жазосини олди. Менинг эса номим қора бўлгани қолди.

Табиатан оғир-босиқ бўлганим, кўп қийинчилик кўрганим учун барига чидаб келяпман. Менинг ҳам оқ либос кийиб ўзга хонадонга келин бўлиб боргим, бир уйни гуллаб-яшатганим келади. Начора, дардим ичимда.

Отам олий маълумотли, онам ҳам яхшигина жойда ишлайди. Синглим оилали, фарзандлари бор, укаларим ҳам бахтли. Ёшлигимдан пойтахтда яшашни орау қилардим. Иккони бўлса, Тошкент шаҳри ёки вилоятида яшовчи, иймонли, уйли-жойли, касби-хунари

тайин инсон топилса, турмуш қурмоқчиман.

ДИЛДОРА,
Сирдарё вилояти.

“ҚИЗГИНАМНИНГ БАХТИНИ КЎРСАМ”...

— Бундан олти ой илгари «Бахтли бўлинг» бўлимига қизим Маликанинг хужжатларини топшириб кетгандим.

— **Хўш, тақдирини бирор янгилик юз бердимми?**

— Андижонлик, турмуши бузилган б и р



эркакнинг телефон рақамини олгандик. Қизим учрашувга чиқиб, суҳбатлашиб кўрди. Унга фарзанд керак эмас экан. Бефарзанд аёл бўлса, уйландим, дебди. Маликанинг ўғлига эса ота керак.

— Қизингизни биринчи турмушида қонуний никоҳдан ўтмасдан оила қуришига рози бўлган экансиз...

— Ҳа, ҳамма айб ўзимизда. Қудаларимиз, «Никоҳларини тўйдан кейин ҳам расмийлаштириб қўяверамиз», дейишса ишонимиз. Фарзандининг бахтини ўйлаган ота-оналар оилани қонун билан ҳимоялаб қўйиши керак экан. Ишонувчанлигимиз панд берди. Тўрт қизимнинг учовини узатдим. Маликадан ташқари

ҳаммаси бахтли. Шугинамнинг тақдирини ўйлаб, кечалари кўзимдан уйку қочади, тез-тез қон босимим ошиб кетади.

— **Ноумид бўлманг. Насиб этса, бахти очилади.**

— Айтганингиз келсин, илоҳим. Бор умидим энди сизлардан. Илоҳи бўлса қозоқ ёки қорақалпоқ миллатига мансуб 40-45 ёшгача бўлган битта фарзанди бор ёки бефарзанд эркак учраса, узатардик.

ГУЛСАРА,
Тошкент вилояти.

ДУОСИНИ ОЛАЙИН

«Ислаб, сўраб-суриштириб «Оила ва жамият» ниям топиб келдим», дея хонамизга кулимсираб кириб келган аёлни таҳминан эрлик ёшларда бўлса керак деган хаёлга бордик. Қўлига бир пиёла чай узатиб, дардини эшитдик.

— Ёшим 60 да, қизим. Лекин рўзгор юмушларида унча-мунча келинчақларни ҳам орта қолдираман. Меҳнат қилмай, тек ўтирсам, очиги, касал бўлиб қоламан. Шунинг учун кун бўйи ҳали уй тозалайман, ҳали бозорга чопаман. Кундузи кўни-қўшни, қариндош-уруғлар қуршовида куним ўтади. Аммо кеч тушди дегунча юрагимни ваҳима босади. У ёғини сўрасангиз, ёлғизман. Ҳеч кимим йўқ. Дардлашиб ўтирадиган яқинларим бўлса дейманда. Хўжайиним билан ўғлим анча йил илгари автохалокат туфайли оламдан ўтган. Уч хонали уйим бор эди. Жиянларим тадбиркорлик қиламиз деб уйимни сотиб, пулини сарфлаб юборишган. Мени ижара уйга жойлашди. Майли, тани-жонлари соғ бўлсин. Ким кимга ёмонлик қилса жазосиз қолмайди.

Шу гапларимни яхшилаб ёзинг, агар мени ўз онасидек қабул қилиб, очик юз билан кутиб оладиган келинлар, ўғил-қизлар бўлса, ёлғиз қолган оталарига меҳр бериб, парвариш қилишга, дуосини олишга розиман.

ҲАЁТХОН ая,
Тошкент шаҳри.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

МОМАҚАЙМОҚ Табиат — дорихона

Момақаймоқ кўп йиллик доривор ўсимлик бўлиб, унинг мингга яқин тури бор. Ундан 70 хили тиббиётда ҳамда халқ таъбиотида фойдаланилади.

Сершоҳ бўлган бу ўсимлик илдизининг бўйи 60 см, қалинлиги 2 см.ни ташкил этади. Ер бағирлаб ўсади.

Илдизи ва барглари таркибида аччиқ глюкоза, органик кислоталар, бўёқ ва елим моддалар, каучук, аспарагин, холин, С витамини, кальций, фосфор, темир мавжуд. У асалга бўйлиб, ундан қуюқ, олтин ранг, хушбўй, кескир таъмли асал тайёрлаш мумкин.

Янги узилган баргларида витаминга бой салат, пюре, суяқ таомлар истеъмол қилинса, фойдалидир. Ундан тайёрланган салат организмда витамин етишмаслигида нафи катта бўлиб, модда алмашинувини яхшилаб, қоматни бир маромда ушлашга ёрдам беради. Тўлиқ очилган гулларидан асал таъминини эслатувчи кием, илдизининг қовурилганидан эса қаҳва ўрнида фойдаланса ҳам бўлади.

Тиббиётда ундан доривор сифатида кенг қўлланилади. У атеросклероз, жигар касалликлари, буйракда тош, ўт қоли, буйрак шомоллашига қарши даводир. Бундан ташқари заҳарланиш, жигар циррози, холецистит, калий ва кислота миқдори камайганда, тана шишида, бўғин касалликларида ҳам малҳам бўлади.

Момақаймоқдан уй шароитида маска тайёрлаб фойдаланиш ҳам мумкин. Унинг янги узилган барглари олиниб, эзиб, суви юзга суртилса, терини ёшартириб, озиклантиради. Гулидан дамлама қилиб суртилган ниқоб эса сепкил ва доғларни йўқотади.

Илдизидан тайёрланган дамлама тетиклантирувчи, терлатувчи, қон тозаловчи хусусиятлари билан бошқа доривор ўтлардан ажралиб туради. Унинг илдизи қанд касалликларида фойдали бўлиб, танада қанд миқдорини камайтиради. Қуқуни эса модда алмашинуви, яра, куйган жойлар, жароҳатни даволашда яхшигина малҳам вазифасини ўтайди.

Шарбатига шолғом, сабзи сувларидан кўйиб ичилса, тиш, умуртка суякларини мустаҳкамлайди. Момақаймоқ таркибидаги аччиқ модда ўтқопдаги тош ва қумларни еритиш билан бирга, жигар фаолиятини яхшилайди.

Ушбу ўсимликдан тайёрланган турли хил дамлама ва маскалардан фойдаланишдан аввал мутахассис билан маслаҳатлашган маъқул.

Лаофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

Картошкаларни овқатга солишдан олдин бир неча жойига санчқи санчиб олсангиз эзилмай пишади.

Деразалардаги доғлардан осонгина кутулиш учун уни 2 стакан сув ва 2 ош қошқ сирка қўшилган аралашма билан ювиш керак.

Клёнкали дастурхончалар кесилган бўлса, ўша жойнинг ҳар икки томонига рангсиз тирноқ бўёғи суртиб, билантирмай ямаш мумкин.

Қиздириётган ёғга бироз туз сепсангиз у атрофга сачрамайди.

Ҳаво исигани сайин танада кўп терлаш кузатилади. Ундан махсус тери упаси (дорихоналардан сўранг) ёрдамида халос бўласиз. Бунинг учун упани терлайдиган соҳаларга сеппиб чиқсангиз кифоя.

Тайёрлаётган музқаймоғингизга бир неча томчи лимон шарбати қўшсангиз одатдагидан тезроқ қотишига эришасиз.

Қўл сифмайдиган идишларни тозалаш учун унинг ичига сув қуйинг ва гижимланган қоғоз солинг, сўнгра яхшилаб силкитиб чайқанг.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

КЎПНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Ҳаётдан доим нолиб юрадиган бир аёлни биламан. Қачон кўришсак, ёзғиргани-ёзғирган. "Қачон бошқаларга ўхшаб яшарканмиз. Уйимга иккита одам қақиримга уяламан. Бизларнинг ҳам оғзимиз ошга етармикин" деганини эшитсам, энсам қотарди. Бир кун биров тоби қочганини эшитиб, дугонам билан уни кўргани бордик. Эшикни бир қиз очиб, ичкарига таклиф қилганида адашиб қолмадикмикин деган ўйда эдим. Яхши таъмирланган хоналар қимматбаҳо мебеллар билан тўлдирилган. Юмшқоқ гиллавлар оёғингизга пардай ботади.

Адашмаган эканмиз, танишим бизларни меҳмонхонага бошлади. Дастурхонга сўнгги урфдаги идишларда қуруқ ва сархил мевалар олиб киришди. Унинг нолишларини эшитганим учун биров камхаржроқ бўлса керак, деб ўйлардим. Аммо бу ерда менинг тасаввуримдаги ночор оилага тескари ҳаёт ҳукми сурарди.

Менинг хайратомуз оҳангда уйни

томоша қилаётганимни кўриб, "Мана дугонажон, яшаш шароитимиз шу. Каттақадқ уч хонали уйда яшаймиз. Қизимга совчилар келиб турибди. Дурустроқ сарпо ҳам йиғолмадим" деди у хижолатли тарзда. Мен эса сўзи бошқа, дили бошқа бу аёлдан зўрға кўнгил сўрадим, кетмоққа чоғландим...

Яна бир кўп фарзандли оилани билан. Эр-хотин заводда ишлашади. Узоқ йиллар ижарама-ижара юриб, яқиндагина икки хонали уй олишди. Уларнинг бирон марта йўқчиликдан холиганини эшитмаганман. Ҳар доим ҳолаҳвол сўрашсак, "Яратганга минг қатла шукр, дорилмомон замонда яшаймиз, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, болаларим соғу омон, нолисам ноинсофлик бўлади", дейишади эр-хотин бараварига.

Бу икки хил хонадон соҳибларини таққосларканман, эсимга қизик бир ривоят тудди. Бир мамлакат подшоҳининг қизи оғир хасталикка чалинибди. Дунёнинг турли бурчаларидан келган табибларнинг дардига даво топишолмаб-

Ойна

ди. Шунда бир донишманд киши, "Агар тили шукронлик айтиб чарчамайдиган инсоннинг либосини қизингизга кийдирсангиз, оёққа туриб кетади", деб подшоҳга маслаҳат берибди. Подшоҳнинг буйруғи билан хизматкор ва мулозимлар шаҳару, қишлоқларни кезиб, эшик-деразалардан пойлаб, шукр қилувчи кишиларни излашибди. Уларнинг ниятини эшитганлар: "Қишлоқ чеккасидаги қулбада бир одам яшайди. Сиз излаётган одам, ўша бўлади", дейишибди. Мулозимлар айтилган қулбага бориб, деразасидан қулоқ солишса, ичкаридаги одам "Яратган эгам, ҳар бир кунингга шукр. Кўришга кўзим, эшитишга қулоғим, юришга оёғим борлигига, томоғимдан бир қултум сув, бир чайнам нон ўтаётганига шукр", деяётган экан. Ниҳоят, излаган инсонни топдик, деб севинган мулозимлар эшикни тақиллаб, "Эй, яхши инсон, бизларга устингдаги кийимингни берсанг, подшоҳимизнинг кизига ёрдам қилган бўлардинг", дейишибди. У эса кулимсираганча, "Унутманглар, биродарлар, инсоннинг безағи устидаги кийими билан эмас, ақлу тафаккури, шукронасидир", дея жавоб берган экан...

Нилуфар САПАЕВА

Эхтиром

ТЕАТР ФИДОЙИСИ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, театршунос олим, профессор Ҳамиджон Икромов ўз ҳаёт йўлини театрсиз тасаввур эта олмайди. Болалигидан оиладаги муҳит таъсири унинг қалбига санъатга меҳр уйғотди. Отаси, таниқли бас-такор Имомжон Икромовдан санъатни ардоқлашни ўрганди.

У дастлаб ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг география факультетини тугатди. 1963 йилда эса ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг "Театршунослик" бўлимига ўқишга кириб, театршунос ва театр танқидчиси ихтисослигига эга бўлди.

Ҳамиджон Икромов санъат соҳасига оид 400 дан ортиқ илмий, илмий-маърифий, услубий мақолалар, ўқув меъерий қўлланмалар, театр ва мусиқа санъатига оид иккита китоб ва йирик рисола муаллифи. Унинг илмий таҳририда 20 дан ортиқ дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратилган. Режиссёр сифатида 20 га яқин спектаклларни сахналаштирган, Мустақиллик ва Наврўз байрами тантаналарини уюштиришда фаол қатнашган. Адабий-бадийи маслаҳатчи сифатида республика театрларининг йирик спектакллари сахналаштиришда бош-қош бўлган. Унга яқин пьеса ва фарб классикаларининг қатор назарий мақолаларини ўзбек тилига таржима қилган. Телерадио учун ўндан ортиқ муаллифлик кўрсатув ва эшитиришлари тайёрлаган.

Устознинг қўлида тарбияланган шоғирлар бугунги кунда Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, фан докторлари, фан номзодлари, таниқли драматурглар сифатида санъатимиз ривожини йўлида меҳнат қилишмоқда. Табаррук 70 ёшни қаршилаётган устоз ҳамон жўшқин ижодий фаолият билан машғул.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МУҲЛИС КИМ?

Сиз, мен, оилам ва бошқалар-да!

Кўча-кўйларда кўп марта кўргансиз: машина ойналари ёки бошқа транспорт воситаларининг кўпинча орт тарафларига жаҳонга машҳур спортчи ва санъат юлдузлари ва футбол клублари суратлари ҳамда номлари акс этган плакат, афишалари. (Челси ёки Барселона, Манчестер Юнайтед ва ҳ.) Тўғрими? Сизни билмадим, лекин мен ҳали шу пайтгача бирор машина ойнасида ўзимизнинг севимли "Пахтакор" ёки "Бунёдкор", "Насаф" каби футбол жамоаларимиз номи битилган ёзувларга кўзим тушгани йўқ. Нега? Нима учун? Бу жамоаларнинг ҳам ютса қулиб байрам қиладиган, ютқизиб қўйса, йиғлайдиган чинакам шинавандалари йўқ деб ўйлайсизми? Албатта бор, бўлганда ҳам беҳисоб. Аммо...

Эсланг, яқиндагина янги қурилган "Бунёдкор" стадионига Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш беллашувлари доирасида Ўзбекистон — Ливан терма жамоалари ўртасидаги ўйин ҳақиқий футбол байрамига айланиб кетдику! Чипта тополмай қолиб кетган минг-минглаб мухлислар-чи? Худди ана шу учрашувдаги гўзал манзара мени гоят қувонтирди: янги мамлакатимиз мадҳияси янраганида бизнинг футболчиларимиз ҳам элдошларимизга баралла жўр бўлишди (Аслида бу ҳеч қандай янгилик эмас.

Чунки ҳар бир инсон ўзи мансуб бўлган давлат ёки халқ мадҳиясини турурга тўлиб қулайши шарт!)

Бу кимедир жуда кичкина, оддий мавзу бўлиб туюлар. Бироқ миллатнинг фахри ва ифтихориёга айланган, дунёга танилишимизда восита бўлган бу каби бойликларни қадрлашни, ва шу билан бирга, мухлислик маданиятининг кўз илға-

Таассуф



мас, назик қирралари (баъзан юртимиз стадионларидега кўнгилини хира қилувчи ноҳуш ҳолатлар ҳам учраб туради) ҳусусида кенг жамоатчилик орасида тушунтириш, тарғибот ишларини ҳам қўчайтириш лозимлигини унутмаслик керак.

Мухлис ким? У сиз, мен ва бошқалар. Шундай экан, аввало, ўзимиз фарзандларимиз эришган ютуқ ва галабалар билан ҳақли равишда фахрлана олсак, шундан кейингина бошқалар бизларни танийди, билади ва хурмат қилади.

Моҳирур КОДИРОВА



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ДУНЁ БАҲОДИРЛАРИ ТОШКЕНТДА

Пойтахтимизда баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш бўйича жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда.

Халқаро баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш федерациялари, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада йигирмадан зиёд давлатдан 200 нафардан ортиқ спортчи ўзаро куч синашмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мезбонлик қилаётган Баҳодирлар ўйинларида мамлакатимиз шарафини жаҳон кубоғи босқичи совриндори Сергей Трубин ва жаҳон рекордчиси Ҳамза Примов ҳимоя қилмоқда.

"Туркистон" санъат саройида эса тош кўтариш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Ўндан зиёд давлатдан 200 нафарга яқин спортчи иштирок этаётган мусобақанинг 60 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида ҳамюртимиз Аваз Ўрмонов учинчи ўринни эгаллади. Украина, Беларусь, Италия ва Қозоғистон спортчилари голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Мазкур вазнда хотин-қизлар ўртада Ўзбекистонлик Муҳтарам Алиева 16 килограммлик тошни 75 марта кўтариб, бронза медалини қўлга киритди.

"ЛОКОМОТИВ" ПЕШКАДАМ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лигасида бешинчи турга келиб очко йўқотмаган жамоа қолмади.

Дастлабки тўрт учрашувда галаба қозониб, мусобақа жадвалида биринчи ўринни эгаллаб турган "Бунёдкор" бу гал Олмаликда мағлубиятга учради. Мезбонлар устунлигида ўтган бахсда "Олмалик"нинг 3:1 ҳисобидаги галабаси билан яқунланди.

Бундан унумли фойдаланган "Локомотив" пойтахтдаги ўйинда "Металлург" жамоасини 2:1 ҳисобида енгиб, 13 очко билан биринчи ўринга кўтарилди.

Яна бир қуттилмаган натижа Жиззахда қайд этилди: "Сўғдиёна" футболчилари Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

"Навбахор" "Қизилқум" жамоаси меҳмони бўлиб, мавсумдаги биринчи галабасини нишонлади.

Ўзбекистон чемпиони — "Пахтакор" ўз майдонида "Динамо" дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритган бўлса, Қашқадарё "дерби"сида "Насаф" вакиллари "Шўртан"дан 3:0 ҳисобида устун келди. "Гулистон" футболчилари эса "Бухоро"ни 1:0 ҳисобида енғди.


Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15.00. Босишга топширилди — 15.00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 428. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 10149. Баҳоиси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

12445